

ЯШАШГА ИШТИЁҚ, МЕҲНАТГА МУҶАББАТ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ УЙЎТТАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўн йил олдин ҳам шаҳар билан қишлоқ орасида ер билан осмон қадар тафовут бор эди. Қишлоқ манзараси ҳам доим бир хил бўлган. Қишлоқ деганда пасткам уйлар, тор кўчалар, даладан бери келмайдиган қишлоқлар кўз олдимизга келарди. Шу боис, имкон топганлар шаҳарда яшашга ошиқарди. Уйнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши, мактаб, боғча, тиббий хизмат, ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари яқинлиги қишлоқ аҳлининг ҳавасини келтирарди. Чунки қишлоқда кундалик ҳаёт тарзи учун бундай имконият йўқ эди.

Кейинги ўн йилликда инсон қадрини улуглаш йўлида ўтказилган ислохотлар туфайли узоқ-яқин қишлоқлар, маҳаллаларнинг меъморий қиёфаси буткул ўзгарди, аҳоли ҳаёт тарзи учун зарур шарт-шароит яратилди. Буни Фарғонанинг олис ва яқин қишлоқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қува туманидаги Қақир маҳалласи энди “Янги Қува” номи билан аталмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур маҳалла бир йил аввал “огир” тоифага киритилган эди. Худудда сугориш тизими, электр таъминоти, йўл инфратузилмаси, уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар йиллар давомида ечимини қутиб турарди. Маҳаллага ислохотлар бошланган пайтда ҳам борган эдик. Ушанда тўпикча урадиган тупроқ йўлда базўр қадам босганимиз кечагидек эсимда. Янгиланишлар шиддатли сабаб қишлоқ қиёфаси қисқа муддатда буткул ўзгарди.

Президентимизнинг “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун ташаббус олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида маҳалла учун маблағ ажратилиб, бир қанча ишлар бажарилибди. Натижада пасткам уйлар, тор кўчалар ўрнига янги маҳалла биноси, кутубхона, спорт ва воркаут майдончалари, кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Эътибор

чиқариш тармоғи қурилади, дейилса ишонмасдик. Бугун бу ҳақиқатга айланди. Илгари бу ерлар қаровсиз, ўт босиб ётарди. Эски, кўримсиз бинолар дилни хуфтон қиларди. Маҳалламизнинг янги қиёфаси кайфиятимизни кўтарди, меҳнат қилишга, яшашга иштиёқимиз ошди.

Янги Қува маҳалласидаги 865 хонадонда 5300 дан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалланинг асосий драйвери — гулчилик, кўчатчилик. Ҳозир 450 хонадон томорқасида гул, 250 тасида дарахт кўчатлари етиштирилади. Шунингдек, 100 та хонадонда иссиқхона бор. Одамлар ҳалол меҳнат орқали даромад топтомоқда.

— Ўтган йили бу йўналишда 50 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Натижада 380 та иш ўрни очилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Юсупов. — Йил бошидан бери 7 та микро-лойиха ишга туширилиб, 50 дан ортиқ одам ишли бўлди. Ҳозир 125 та тадбиркорлик субъекти аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Тўлқинжон Деҳқонов атирғул етиштиришда ўзига хос тажриба тўплаган. Унинг томорқасида 5 сотихли иссиқхона ташкил этилган. Бу ерда 5000 туپ атирғул кўчати экилган. Бир туپ гул гуначаси 5000 сўмдан сотилмоқда. Томорқачининг ҳисоб-китобиغا кўра, бу йил гулчиликдан 200 миллион сўм даромад кутмоқда. Иссиқхонага томчилатиб

қайда эди. Эрта баҳорда далада пахта яғна-насиға чиқардик. Ипак қўрғи боқардик, чопиқ, йиғим-терим билан банд бўлардик. Ҳаётимиз шу мавсумий ишларга чамбарчас боғланиб қолганди. Дала юмушларидан ортиб, Тошкентга ҳам бора олмаганлар қанча эди. Маҳалламизда қад кўтарган кўп қаватли уйларга қараб, гурурланаман. Қишда иссиқ, ёзда салқин. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий ва кўркам кўп қаватли уйлар қўрс бўларкан-ку.

Миришкор томорқачининг иссиқхонада гул етиштириш борасидаги тажрибаси бошқа худудларда ҳам оммалашаяпти. Ҳозир тумандаги 7 гектар ерда янги технология асосида атирғул етиштириляпти.

Маҳалладаги “IVS-TEXGROUP” тикувчилик фабрикаси яна бир ўзига хос лойиха бўлди. Жорий йил аввалида иш бошлаган корхонага беларуслик инвестор 500 минг доллар сармоя киритди. Тадбиркор йиллар давомида қаровсиз қолган бинони аукцион савдосида ютиб олиб, замонавий ишлаб чиқариш корхонасига айлантирди. Бу ерда маҳалланинг 100 дан зиёд хотин-қиз меҳнат қилапти. Корхона маҳсулотларининг асосий қисми шу ернинг ўзидан Беларусга экспорт қилинмоқда.

— Маҳалламизда ишсиз хотин-қизлар қолмади, дессам, муболага бўлмайди, — дейди маҳалладаги хотин-қизлар фаоли Садокатхон Ҳайдаматова. — Фабрика ҳузурида ишчилар учун икки ойлик малака ошириш ўқув курси ташкил этилди. Бунда ижтимоий ҳимоя дафтарларида қайд этилган фуқароларга устуворлик берилган. Улар ҳунар ўрганиш асосида ишлаб, маош олади. Бундан ташқари, “Ишга марҳамат!” мономарказларида ҳам касб-ҳунар ўргатилляпти. Ҳар бир оила билан хонадонбай ишлаётганимиз сабабли маҳалламиз ишсизлик, камбағаллик, ажрашишлардан холи ҳудудга айланди.

Тикувчилик фабрикасининг ишлаб чиқариш кўлами йил якунигача яна кенгайтирилди. Бу яна 100 та янги иш ўрни дегани. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириб, экспорт географиясини ҳам кенгайтириш имкони туғилади. Биринчи чоракда умумий қиймати 300 минг долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди.

— Уйимизга яқин жойда ишга туширилган корхона ҳаётимда янги имконият эшикларини очди, — дейди Насибхон Ристаева. — Ишсизлигим сабаб “Аёллар дафтери”да турардим. Фабрика қурилгач, шу ерда ҳунар ўрганиб, ишлашга тақлиф қилиндим. Иккиланмай рози бўлдим. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий технологияларда ишлашнинг завқи ўзгача бўларкан. Маошимизни вақтида олаётимиз, бепул тушлик ташкил этилган. Муҳими, оиламиз бюджетига озми-кўпми кўмак берилган. Битта она учун бундан ортиқ яна нима керак?!

Тинчлик-тотувлик бўлган жойда файзу барака, тараққиёт бўй кўрсатади. Бу ҳаётин тамойилга амал қилган жойда қонун ҳаммиша устувор. Маҳалла ҳудудида янги ҳуқуқ-тартибот маскани бунёд этилгач, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан қамайди. Масканда алоҳида ситуацион марказ ташкил этилгани жиноятчиликнинг олдин олиш борасидаги имкониятларини кенгайтирди.

— Янги Қува, Ўзбек, Турк, Бойистон ва Янгиҳаёт маҳаллаларини қамраб олган ҳолда хизмат қиламиз, — дейди бош инспектор, капитан Холматжон Холматов. — Шу кунгача ушбу маҳаллалар ҳудудида 200 га яқин замонавий кузатув камераси ўрнатилиб, барчаси ситуацион марказга интеграция қилинди. Хавфсиз кўча, хавфсиз йўлаклар ташкил этилди. Профилактика инспекторлари, патруль-пост, йўл-патруль ва қўриқлаш хизматларининг ҳамкорлигида фаолияти йўлга қўйилиб, 3 сменали навбатчилик тартиби жорий этилган. Кўчаларга ёритиш чироклари, домофон ва “ташвиш тутмалари” ўрнатилган. Буларнинг барчаси одамларга хотиражам, тинч-тотув яшаш имкониятини берапти. Маҳаллаларимизнинг барчаси “яшил” ҳудуд сифатида эътироф этилди.

“Янги Қува” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳаётбахш ишлар эски қишлоққа янги нафас, қўтаринчилик, ташаббускорлик руҳини олиб кирди. Буни кўркам иморатлар, гулларга бурканган кўчалар, ҳаётга иштиёқманд содда, самимий кишиларнинг кундалик ҳаётида яққол кўриш мумкин.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод Қорабев олган суратлар.



Анчадан бери Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани Чим маҳалласида бошланган янгиланишлар ҳақида эшитган эдик. Ҳа, энди одатдаги ишлар-да деб ўйлаганмиз. Яқинда бир танишим Чимдаги ишларни алоҳида мактаб қолди. Худуддаги бир қарич ер ҳам назардан четда қолмай, обод масканга айлантирилаётир дейишганда, бу бир оз лофдек туюлди. Минг марта эшитгандан бир бориб кўрган яхши, дея йўлга чиқдик.



қайда! Ёзда чанг, қишда лойга ботиб қолардик. Болаларимиз мактабга боришга қийналарди. Ҳозир набираларимга айтсам, ишонмайди. Бунга фақат шукр қилишимиз керак. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин.

Ишонсангиз, шу ёшга кириб, чекка бир қишлоғимизга бунчалик эътибор қаратилиш ҳаёлимизга келмаганди. Қаранг, қандай чиройли бўлиб борапти. Ҳар кун набираларимни ҳашарга олиб чиқаман. Ўзим бир чойнак чой дамлаб, ишчиларга улашаман. Барака топишсин. Маҳалламиз чирой очгани сари кўнглимиз ҳам равшанлашяпти.

ЭЛНИ БИРЛАШТИРИБ, ЮРТГА ЧИРОЙ БАҒИШЛАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР

Бундай пайтда воҳода жазирама авжига чиқади. Шу боис, кеча яқин йўлга тушдик. Манзил Қарши шаҳридан 30 қақиримча нарида. Маҳалла катта йўл ёқасида жойлашган. Бир томонидан Шаҳрисабз — Қарши, яна бир томонидан Тошкент — Термиз автомобиль йўли ўтган.

Азалдан қишлоқ одамлари меҳнаткаш. Авваллари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта йўл ёқасига чиқариб сотишарди. Бугун эса ўша пайтдаги тартибсиз расталар кўринмайди. Ўрнини замонавий дўконлар эгаллабди. Катта йўл ёқаси чиройли кўринишга келтирилган...

Маҳалла идорасига кириб борганимда соат кечки беш бўлиб қолганди. Иш якунланиб, ҳамма уй-уйига кетиб қолдимикан деган ҳаёлга бордим. Хоналар эшикларини тортиб кўрсам, ҳаммаси ёпиқ. Вақтим беҳуда кетадиган бўлди, эртарақ келсам бўларкан, дея ўзимни койиган бўлдим. Шу пайт бир киши раисни йўқлаб келди. У ҳам навбатли билан эшикларини тортиб кўрди. “Ҳозиргина шу ерда эди-ку”, дея қўлига телефонини олди. Адаммасам раиснинг рақамини изладим. “Алло, раис бова. Мен... Яхшимисиз... Келувдим, йўқсиз-ку?! Қайга-қайга? Ҳа, бўлди-бўлди. Ҳозир бораман”.

Қисқа суҳбатдан англадимки, раис яқин атрофда. У кишининг ортидан эргашдим. Бироз юриб ҳашар устидан чиқдик... Узун кўча. Бир текис қилиб, янгитдан войиш қилинбди. Ҳар уч-тўрт метр оралиқда ток экилган. Камиди ўттиз-қирқ одам иш билан банд. Кимдир тоқларни сугоряпти, яна бошқалари йўл текислаётир, сўри устуларини бўяшяпти ва ҳоказо.

Ҳашарчиларнинг ишига маҳнли бўлиб, раисни излаб кетаётган кишини ҳам унутибман. Бир пайт у кишининг бир оз нарида кетаётганига кўзим тушди. Ортидан ишодим. Беш-олти киши бир-бирига ҳазил-хузул қилиб сув йўлини тозалаяпти. Халқимизда азалдан бир одат бор: ҳашар устидан чиққан киши, “Қўлим тегсин” дея оз бўлса-да ишга уннайди. Ҳашарчиларнинг аксарияти шу қишлоқ одамлари экан.

— Бу йил биз учун омадли келди. Қўриб турганингиздек, маҳалламизда катта ишлар бошланиб кетди, — дейди чимлик ижодкор Темиргўл Тиллаев. — Бутунлай янги қиёфага кирапти. Бир қарич ер эътибордан четда қолгани йўқ. Шундай пайтда томошбани бўлиб ўтирсак ярашмайди. Деярли ҳар кун қайсибир худудни обод этиш учун ҳашарчи қамчимиз. Бунга отахонлар бош бўляпти, ариқларни тозалаямиз. Тайёр бўлгач, қурилиш ташкилотлари келиб, бетон қилиб беради. Бошқа кўчаларда бетонлаш ишлари аллақачон бошланган.

Бир пайт тўғридаги дарвоза очилиб, қўлида каттагина идиш кўтарган аёл ҳашарчилар томон кела бошлади. Ортидан набираси шекилли, олти ёшлардаги бола иккита қолди. Каттагина майдонга эга ўқув муассасаси шу пайтгача қанчадан-қанча ёшларнинг билим олишига хизмат қилган. Вақтлар ўтиб, қўшимча ўқув хоналари барпо этилган. Жорий йилдан бошлаб эса, бу ерда ҳам энергия тежамкор бўлган янги ўқув биноси қурилиши бошланди.

Кенг қўламли бунёдкорлик ишлари қаторига маҳалла биноси ҳам киритилган. Собир Ирисбоевнинг айтишича, шу пайтгача “маҳалла етиллиги” учун тайинли жой йўқ эди. Янги иншоотда барча шарт-шароитлар яратилиб, иш олиб бориш учун қўлай бўлади. Хусусан, мажмуада маҳалла ва ёшлар маркази билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш объеклари, таълим ва спорт марказлари, ҳуқуқий маслаҳатхона ҳамда аҳоли дам олиш маскани ҳам жой олади.

Рости, тун қоронғусига қадар худуддаги ишларни кўриб, кўзимиз қувнади. Ички йўллар равон, кўчалар тартибга келтирилмоқда. Томорқадан унумли фойдаланиш учун керакли имкониятлар яратилган. Маҳаллада ишсиз юрган киши йўқ ҳисоби. Аҳолининг яшаш тарзи яхши томонга ўзгараётганини бир кўришдан англаш мушкул эмас. Бундан маҳалланинг ёшу қариси бирдек мамнун.

— Бир пайтлар бу атрофдаги уй жуда кам эди, — дейди 86 ёшли Ёшимурод бобо Холқов. — Ҳозиргидек равон кўчалар

болаларни боғчага қамраб олиш муаммо бўлиб келган. Чунки шу пайтгача худудда янги биттагина боғча бўлиб, унинг снгими ҳам кам бўлган. Айтишларича, боғчанинг илк биноси барпо этилганига 70 йилдан ошиб кетди.

— Болалар сони кўплигидан мослаштирилган хоналардан фойдаланишга мажбур эдик, — дейди 18-мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Дилфуза Шохлиева. — Аслида, у бир пайтлар хўжалик ҳашарчилари учун қурилган. Кейинчалик боғча сифатида фойдалана бошланган. 2000 йилларга келиб, фаолияти бутунлай тўхтаб, беш-олти йил мумам фойдаланилмади. Кейин қишлоқ фаоллари ўзлари бинони таъмирлади. Бино эски бўлса-да, борица фойдалана бошладик. Аммо қишда иситиш, ёзда жазирамадан сақланиш муаммо эди. Дардимизни биров

Отахон айтганидек, маҳалланинг ҳар бир кўчаси янгиланмоқда. Ҳатто айрим эски уйлар бузилиб, ҳомийлар томонидан янгиси қуриб бериляпти. Хонадонлар замонавий кўринишга келтирилмоқда. Бундан ташқари худуд ёшларини иш билан таъминлаш учун ҳам янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, айни кунларда эски, самарасиз 5 гектарлик боғ ўрнида томчилатиб сугориш технологияси асосида 26 та, ҳар бири 10 сотихдан иборат иссиқхона ташкил этилаётир. Шунингдек, 100 тонна снгимга эга совиткич омбори ҳамда 1 дона 250 кВт трансформатор подстанцияси ўрнатилмоқда. Натижада 52 та янги иш ўрни яратилади.

Чим маҳалласини обод худудга айлантиришни шу йилнинг ўзида якунига етказиш назарда тутилган. Жумладан, ҳозир худуддаги 78 та хонадоннинг шаҳарсозлик



Азалдан қишлоқ одамлари меҳнаткаш. Авваллари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта йўл ёқасига чиқариб сотишарди. Бугун эса ўша пайтдаги тартибсиз расталар кўринмайди. Ўрнини замонавий дўконлар эгаллабди. Катта йўл ёқаси чиройли кўринишга келтирилган...



беринг, 5,5 миллиард сўм эвазига тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. 1,7 миллиард сўмга канализация сувини тозалайдиган иншоот қурилди. Яна 5 миллиард сўм сарф этилиб, йўл инфратузилмаси бутунлай янгиланди. Маҳаллий тадбиркорларнинг маблағи ҳисобидан 68,9 миллиард сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 5 та кўп қаватли турар жой биноси, 37 миллиард сўм ҳисобига замонавий мактаб бунёд этилди. Бу битта маҳалла ҳаёт тарзини яхшилаш йўлида ажратилган сармоя ҳолос.

Янги Қуванинг ҳар бир кўчасида қийос очилган гуллар, ландшафт дизайни асосида экилган манзарали дов-дарахтлар, саранжом-саристалик, инсонларнинг очик чехраси ва кўтаринки кайфияти ислохотлар жараёни қанчалик ҳаётбахш эканидан дарак бериб турибди.

— Шу кунгача болаларим, набираларим билан музқаймоқ ейиш учун ҳам туман маркази ёки Фарғона шаҳрига борар эдик, — дейди Музаффаржон Қодиров. — Қисқа муддатда бажарилган катта бунёдкорлик маҳалламиз меъморий қиёфаси, одамлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Ўн йил аввал шу қишлоқда йирик саноат ишлаб

сугориш тизими ўрнатилган. Бу усул сувни тежаш, минерал ўғитнинг тўғри илдизига етиб бориб, унумдорлиқни оширишда самара берапти. Ташқарида 35-40 даража иссиқ бўлса ҳам иссиқхонада ҳавони мўтадил сақлайдиган қурилмалар ўрнатилган.

— Етмиш ёшга кирдим, — дейди турфа гуллар оралаб юрган Тўлқинжон ака. — Имкон топсам, гулзорни айланаман. Турфа ранглардан кайфиятим кўтарилади, чарчоғимни унутаман. Баъзан ўғил-қизларим “Шу ишларни ўзимиз қиламиз, сиз дам олинг”, дейди. Лекин шундан завқ оламан-да! Эрта тонда гуллар ифориға тўйган кишининг кун бўйи кайфияти кўтарилиб юради. Оиламиз дастурхон атрофида жам бўлганда бугунги шароит, имкониятларга шукрона қилиб, шунга муносиб бўлиб яшаш кераклигини бот-бот такрорлайман. Ўқийман, ишлайман, тадбиркорлик қиламан деганга ҳамма имконият бор. Ешлигимизда бундай қулайликлар

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Актам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон фермерлари
кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Соҳа олимларининг илмий тавсиялари, ғалла экиш ва парваришлашнинг барча босқичларида ташкил этилган ўқув-амалий семинарлар ҳамда табиатнинг қулай келиши мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Дарҳақиқат, аграр соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш ва фермерларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Зеро, иқтисодий жиҳатдан барқарор фермерлар қатламини шакллантириш мамлакат тараққиёти ва жамият барқарорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги икки йил давомида пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида меҳнат қилётган фермерлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилиб, қатор қўшимча енгилликлар ва иқтисодий рағбатлантириш чоралари жорий этилди.

Аввало, маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар бўйича тартиб-таомиллар сезиларли даражада соддалаштирилди. Бу вақт ва бошқа ресурсларни тежаш, молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Энг муҳими, кредит маблағларининг бевоcита фермер хўжаликларига ажратилиши уларнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлади.

Ғаллачилик соҳасида янги молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди. Энди фермерлар томонидан етиштирилган товар бугдойни вақтинча сақлаш харажатлари Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тижорат вақили ҳамда

бугдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ жамғарма маблағлари ҳисобидан қўлаб берилади. Мазкур ҳолат фермерларнинг сақлаш билан боғлиқ харажатларини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим янгилликка эътибор қаратайлик: 2026 йил ҳосилидан бошлаб ғалани ўз маблағлари ёки тижорат банклари кредитлари ҳисобидан етиштириб, уни белгиланган тартибда биржа савдолари ёки давлат ресурси учун реализация қилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдоридан субсидия ажратиш тизими жорий этилди. Ушбу механизм, аввало, ғалла етиштирувчиларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, айланма маблағларини кўпайтириш ҳамда даромадини янада оширишга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2026 йил 8 майдаги “Пахта ва бугдой етиштирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳада иқтисодий рағбатлантириш механизмларини янги босқичга олиб чиқди, десак асло муболага бўлмайди. Хужжатга мувофиқ, 2026 йил ҳосилидан бошлаб бугдой етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг 1 августига қадар тўлиқ қайтарган қишлоқ хўжалиги корхоналарига ушбу кредитлар бўйича тўланган фойзаларнинг 4 фоиз қисми давлат томонидан компенсация қилиб берилиши белгиланди.

Бу, ўз навбатида, фермерларнинг молиявий юқини енгиллаштириш, айланма маблағларини кўпайтириш ҳамда кейинги мавсумга пухта тайёргарлик қўриш учун қўшимча иқтисодий имконият яратади.

Кўп йиллардан буён фермерларимиз учун бошогриқ бўлиб келган, асосий харажатларидан бири саналган ёқилғи таъминоти бўйича ҳам муҳим енгилликлар жорий этилди. Масалан, шу йил 1 апрелдан 1 июлга қадар биржа савдолари орқали харид қилинган ҳар бир тонна дизель ёқилғиси қийматининг 13 миллион сўмдан ошган қисми учун, бироқ 2 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда республика бюджетига маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланди.



Мазкур имтиёз ғалла етиштириш таннархини пасайтириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, юқори ҳосилдорликка эришиш ҳамда фермерларнинг иқтисодий самардорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Баракали келган 2026 йил ҳосили учун республика бўйича бир миллион гектардан зиёд майдонга ғалла экилиб, 10 миллион тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштирилди. Кўплаб фермер хўжаликлари ҳар гектардан 100 центнер ва ундан юқори ҳосил олишга эришгани мамлакатимиз ғаллачиликда қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири бўлди. Ана шундай рекорд ҳосил етиштирган фермерларимиз номларини ҳар қанча фахр билан тилга олсак арзийди.

Бу йилги мавсумда 35 та туман ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 100 центнердан ортиқ ҳосил олганидан алоҳида эътироф этиш ўринли. Бундай кўрсаткич қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч қачон бўлмагани учун ушбу воқеликни тарихий янгилык, десак тўғри бўлади. 35 тумандаги фермерлар юқори ҳосилдорликка эришиб, давлатга ғалла топшириш бўйича белгиланган режаларни муддатидан олдин бажарди. Бу эса соҳадаги тизимли ислохотлар,

фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва самарали рағбатлантириш чоралари ўзининг амалий натижасини бераётганининг ёрқин исботи эмасми?

Юқори ҳосилдорликка эришишда фермер хўжаликларини иқтисодий рағбатлантиришнинг янги тизими муҳим омил бўлди. Жорий йилда минглаб фермерларнинг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эришгани ҳам мазкур ислохотларнинг самардорлигини яққол намойён этди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ғаллачиликда ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича мамлакатимиз дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда.

Фермерлар учун яратилган қатор қўшимча имкониятлар самарали натижаларга хизмат қилмоқда. Хусусан, ижарага олинган майдоннинг муайян қисмида алмашлаб экиш ҳуқуқи берилиши, ер солиғи бўйича камайтирувчи коэффициентларни қўллаш имконияти яратилиши, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга қаратилган енгилликлар жорий қилиниши ҳамда юқори самарадорликка эришган хўжаликлари давлат томонидан қўшимча рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилиши фермерларни янада мўл ҳосил олиш, ердан

самарали фойдаланиш ва инновацион технологияларни кенг жорий этишга ундамоқда.

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши ва минтақавий экологик шароит таъсирида сув ресурсларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Сувнинг стратегик ресурс сифатидаги қадри ошиб бораётган бир шароитда ундан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Шу нуктага назардан, фермерларда сув ресурсларига нисбатан тежамкор муносабатни шакллантиришда давлат томонидан кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Томиқлатиб ва ёмғирлатиб сугориш, шунингдек, бошқа сув тежовчи технологияларни жорий этаётган фермерларга давлат томонидан субсидиялар ажратилаётгани бу борадаги амалий ёрдамнинг муҳим кўринишидир.

Натижада минглаб гектар майдонларда замонавий сугориш технологиялари жорий этилмоқда. Бу эса сув сарфини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва ҳосилдорлиқни янада ошириш имконини бермоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сув тежовчи технологияларни қўллаш натижасида айрим ҳудудларда ҳосилдорлик 20-30 фоизгача ошган. Ушбу кўрсаткичларга сув ресурслари тежалишини ҳам қўшадиган бўлсак, мазкур технологияларнинг иқтисодий ва экологик самараси янада яққол намойён бўлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ҳам рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бу жараён фермерлар фаолиятини енгиллаштириш, давлат хизматларининг очиклиги ва тезкорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Илгари кўп вақт ва ортиқча хужжатбозликни талаб қилган субсидиялар ажратиш, имтиёзли кредитларни расмийлаштириш, ер майдонлари бўйича маълумотлар алмашинуви ҳамда бошқа давлат хизматлари бугунги кунда электрон платформалар орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ортиқча қоғозбозликни қисқартириш, инсон омилни камайтириш ва давлат хизматлари шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган 4 миллион гектардан ортиқ ер майдонида экиш ва сугориш маҳсулоти рақамлаштирилди.

Соҳада жорий этилган 30 дан ортиқ ахборот тизимини ягона платформага интеграция қилиш орқали фермерлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди, маълумотларнинг ўзаро мувофиқлиги ва ишончлилиги таъминланмоқда.

Бундан ташқари, қарийб 100 турдаги рақамли хизмат ва сервисни йўлга қўйиш, жумладан, робототехника, учувчисиз учуш аппаратлари ҳамда бошқа “ақли” қурилмалар орқали хизматлар кўрсатиш тизими босқичма босқич жорий этилмоқда.

Айни пайтда фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўзларига тегишли ер участкаларида экиш режалаштирилган экинлар тўғрисидаги маълумотларни “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформасига контурлар кесимида мустақил равишда жойлаштириш имкониятига эга бўлди.

Бугун фермерларимиз нафақат мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, балки қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳолиси бандлиги ва фаровонлигини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эришилаётган ютуқлар замирида, энг аввало, меҳнаткаш деҳқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати, соҳа олимлари ҳамда мутахассисларининг илмий асосланган тавсиялари, энг муҳими, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ислохотлар ва яратилаётган кенг имкониятлар мужассам.

Айниқса, ғаллачилик тармоғидаги кенг қўламли ўзгаришлар айнан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Бугун юртимиз фермерлари аввалтидан мутлақо янги иқтисодий муҳитда фаолият юритмоқда. Улар етиштириладиган маҳсулот турини танлаш, замонавий технологияларни қўллаш, ҳамкорларни мустақил белгилаш, маҳсулотни эркин сотиш ва бозор талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш имкониятига эга бўлди. Бу эса фермернинг иқтисодий манфаатдорлигини янада қулайтириб, соҳада рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Сўнгги йилларда пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида амалга оширилган энг муҳим ислохотлардан бири давлат буюртмаси тизимидан босқичма босқич воз кечилиб, соф бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилганидир.

Қишлоқ хўжалигида замонавий бозор муносабатлари қарор топиши маҳсулот етиштириш, уни сотиш ва нарх белгилаш жараёнида давлат буюртмасидан воз кечиб, талаб ва таклиф қонунари, соғлом рақобат ҳамда эркин тадбиркорлик тамойилларига таянишни аниқлатади. Бу тизим соҳада иқтисодий самарадорлиқни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати юксалишига хизмат қилмоқда. Натижада деҳқончилик ва фермерлик тобора рентабелли ва барқарор бизнесга айланмоқда.

Фермер хўжаликларига яратилаётган ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий имкониятлар уларнинг ташаббускорлиги ва меҳнат самарадорлигини янада оширишга замин яратмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўл очмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли хирмонларимиз донга тўлиб, эл дастурхонидан нон аримайди. Юртимизда файзу барака, қишлоқларда ободлик ва фаровонлик янада юксалиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшилаверади.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим палла ҳисобланган Тошкент халқаро инвестиция форуми ўзига хос лойиҳа ва музокаралар майдони бўлди. Нуфузли анжуманда Фарғона вилояти ишбилармонлар доиралари вакиллари ҳам иштирок этиб, кўплаб истиқболли келишувларга эришди, келгусидаги ҳамкорлик муҳокама қилинди.

Инвестиция иқтисодиётнинг драйвери, юрטי сифатида эътироф этилади. Кейинги йилларда бу жараённи халқаро меъёрларга мувофиқ ривожлантириш йўлида яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар хорижий ҳамда маҳаллий

сармоядорларни бир мақсад йўлида бирлаштириди.

2017 йилда вилоятга инвестиция киритган давлатлар сони бор-йўғи 3 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб 35 тадан ошди. Бу борада Хитой, Россия, Туркия, Германия,



Шерзод ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти Инвестициялар,
саноат ва савдо бошқармаси
бошлиғи

Жанубий Корея, АҚШ каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Жорий йилда вилоят иқтисодиёт тармоқларига хориждан 4 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб этиш режа қилинган. Бу аввалги йиллардагига қиёсланганда бир неча баробар кўп. Бундан саккиз-тўққиз йил олдин хорижий инвестиция жалб этиш, экспорт кўрсаткичлари борасида бор-йўғи 500 минг долларлик марра белгиланган эди.

Эндиликда бу миқдор ҳажми бир миллиард долларлик довондан ошди. Саноат корхоналари 2,8 баробар кўпайиб, 13 мингга етди. Саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 1182 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ўтган йили экспорт географияси 22 та давлатга кенгайиб, Ўзбекистон бозори учун янги имконият эшиклари очилди.

Вилоятимиз инвестиция салоҳиятини ошириш, янги имкониятлардан фойдаланишда “Кўқон” эркин иқтисодий саноат зонасининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда қиймати 980 миллион доллар бўлган 147 та инвестиция лойиҳаси жойлаштирилган. Ўтган давр мобайнида 120 та саноат корхонаси томонидан 3 триллион 904 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 137,9 миллион доллар қийматдагиси экспортга йўналтирилди. Мазкур корхоналарда жами 11 минг 560 ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб келади. Айни кунда умумий қиймати 479,5 миллион доллар ёки 5 триллион 679 миллиард сўмлик 36 та йирик лойиҳада тасдиқланган тармоқ жадвалларига асосан қурилиш-монтаж ишлари бажарилляпти. Бу лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига қўшимча олти мингдан ортиқ янги иш ўрни очилади.

“Кўқон технопарки” ва “Фарғона янги имкониятлар” махсус саноат зоналарида юқори технологиялар ва илмий амалий тадқиқотлар



асосида ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга ошириляпти. Бу ерда муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмасини қуриш учун жами 83,2 миллиард сўм ажратилган. Бунинг ҳисобига 50 мВт қувватга эга 15,2 километр электр, 11 километр газ, 35 километр сув тармоғи тортилди ҳамда 4000 метр куб ҳажмида сув сақлаш иншоотлари барпо этилди. 29 километрдан иборат автомобиль йўллари ва 2,9 километр темир йўл тармоғи ишга туширилди.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури доирасида экспортчи корхоналар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланыпти. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Корея Республикасининг Асан шаҳрида Фарғона инвестиция ва савдо уйи очилди. Бу маҳаллий маҳсулотларнинг корейс бозорига кенг кириб бориши ҳамда ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларни тўғридан тўғри экспорт қилиш имкониятини бермоқда.

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг юртимизнинг етакчи газеталарида босилган “Миллат Шавкати” мақоласини ўқиб, газетхон сифатида айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.



Муаллиф Ўзбекистонда кейинги 10 йилда юз берган оламшумул ўзгаришлар ҳақида фикр юритар экан, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фаолияти билан боғлиқлигини таъкидлайди. Менимча, бундай ёндашув адолатли, реал вазият ва ҳолатга тўғри баҳодир.

Мақола фалсафий мулоҳазаларга бой, раво ва тушунарли тилда ёзилган. Шу боис, у жамоатчилик эътиборини тортди. Илм кишии сифатида юртимиздаги ўзгаришларни баҳоли қудрат кузатиб бораман. Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида — ҳоҳ ташқи, ҳоҳ ички сиёсат бўлсин, жаҳон сиёсатчилари эътироф этаётган янгиланишлар, ҳақиқатан, бевосита давлатимиз раҳбари номин билан боғлиқ.

Шундай экан, бу янгиланишлар, воқеалар, ютуқлар мазмун-моҳиятини ифодалови “Янги Ўзбекистон” тушунчасини халқимизга, айниқса, ёшларга атрофчила тушунтиришимиз керак деб биламан. Чунки бундай ўзгаришлар туфайли халқимиз онги ва тафаккурида шакланган изоҳотлар моҳиятини ҳамма билиши, қадрига етиши, ўзида ҳис этиши керак.

НамДУ тарих факультети магистрларига “Янги Ўзбекистонда изоҳотлар стратегиясининг назарий масалалари” курси бўйича маъруза ўқийман. Машгулотларда талабалар мендан “Янги Ўзбекистон” атамаси ҳақида тушунча беришни сўрашди.

Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида, расмий йиғилишлардаги чиқишларида бу ҳақда ўз фикрларини билдирган.

Хусусан, Янги Ўзбекистон ғояси асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва



Турсунбой ФАЙЗУЛЛОВ, НамДУ профессори, сиёсий фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидagi Биринчи, Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадмлар қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу саъй-ҳаракатлар буюк тарихимизни янада юксак уйғониш даври билан боғлайдиган мустақкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Холисона айтганда, мамлакатимизда Ўзбекистон сўзига “янги” атамасини қўшиб айтиш мустақил тараққиётимизнинг кейинги йилларидаги туб янгиланишлар билан бевосита боғлиқ. Хуллас, 2017 йилдан бошлаб аввалги йиллар мобайнида эришилган ютуқлар ва муаммолар холисона, теран, танқидий таҳлил қилинди. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изоҳотлар янгича ёндашув, илмий таҳлил, халқ билан маслаҳатлашув асосида кечмоқда. Бу борада битта бош ғоя — одамларни эртга эмас, бугун ўз ҳаётидан рози қилишга эришиш асосий дастурий мақсад қилиб белгиланди.

Мамлакатимизда йиллар давомида тўпла-ниб қолган муаммо ва камчиликларни бар-тараф этиш учун қатъий амалий ҳаракатлар бошланди. Зеро, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий вазиятлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишларнинг реал ҳолати шунини таъқозо этарди.

Шундай ўта нозик шароитда, жуда масъулиятли паллада халқ ҳаётини ипидан игнасигача яхши биладиган, мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаларида юзга келаятган со-вуқлиқни, ёпиқлиқни бартарар қилишга қодир, бу муаммоларга халқ билан бамаслаҳат ечим топа оладиган сиёсий етакчи керак эди. Бундай нозик ва масъулиятли вазифа эгаси ким бўлиши 2016 йилнинг декабрь ойда ҳал қилинди. Юртимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилик овози билан Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.

Ҳар қандай мамлакат ривождаги туб ўзгаришлар, у ёки бу халқ тақдирини, келажиги учун тўғри йўл танлаш доимо сиёсий етакчилар зиммасига тушган. Тарих синовларидан ўтган мана шу қадрият қанчалик тўғри эканини кейинги ўн йилда янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатидаги туб ўзгаришлар натижаларида ҳам кўриш мумкин. Биз юқорида тилга олган мақоладаги “Шавкат Мирзиёев Самарқандда ҳокимлик қилган пайтларида орттирган тажрибаларини давлат раҳбари бўлганидан кейин мамлакат миқёсида унинг барча ҳудудларида ҳам амалга оширяпти”, деган фикр асослидир.

Буни Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлганидан кейин адашмасам, вилоятга 12 марта ташриф буюрди ва ҳар сафар келганида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир янги ғоя, янги ташаббусларни олға сурди, амалий ёрдамлар берди, халқимизни руҳлантирди.

Шу ўринда вилоятдаги фан, таълим, маънавий-маърифий соҳадаги ўзгаришлар ва унда давлатимиз раҳбарининг ўрни ҳақида қисқача тўхтаलोқчиман.

Яхши эслаيمان, 2016 йил 2 ноябрь кунини Учқўрғонда сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев маърифатпарвар



Исоҳқхон Ибрат меросини ўрганиш борасида ишлар етарли эмаслиги, 2018 йил 2 май кунини эса Норинда фаоллар билан суҳбатда Алоуддин Абу Бақир Косоний маънавий ме-росини ўрганилаётгани ҳақида гапирди. Ви-лоятда бу борада чуқур ўрганишларни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Натижада маърифатпарвар Ибрат, буюк ислом ҳуқуқшуноси Алоуддин Косоний маънавий мероси ўрганилиб, маҳаллий га-зеталар ва телевидение орқали улар ҳақида халқимизга, ёшларга тушунчалар бериш бошланди. Шу билан бирга, Султон Увайс зиёратхона обод этилиб, маърифий масканга айланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ташрифи чоғида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ри-вожланиши ҳақида гапирар экан, Наманган-да олий ўқув юртларини кўпайтириш, мод-дий-техник базасини яхшилаш ҳақида ҳам кўрсатма ва йўл-йўриқлар беради.

Натияжасини бугун кўриб турибмиз. 10 йил олдин вилоят ёшларининг олий таълим билан қамрови 8 фоиз эди, ҳозир бу кўрсат-ки 45 фоизга етди. Янги олий ўқув юртлари очилди. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига жавоб берувчи замонавий кадрлар

тайёрлаш мақсадида Наманган давлат техни-ка университети ташкил этилди.

Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида ушбу университетдаги сунъий ин-теллект маркази фаолияти билан танишар экан, ёшларнинг бу борадаги лойиҳалари юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Ташриф пайтида маҳалла тизимини яна-да ривожлантириш, Наманганда Халқро мақом академиясини очиш, футбол акаде-мияси фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларини илгари сурди.

Наманганнинг ҳозирги қиёфасини Пре-зидентимиз кўрсатмалари асосида олий ўқув юртларининг вилоят марказидаги Юксалиш массивида бунёд этилаётган осмонўпар ўқув бинолари, аҳоли турар жойлари, шунингдек, замонавий “Янги Наманган” богисиз та-саввур қилиш қийин. Албатта, жуда қисқа вақт ичидagi ўзгаришлар бир ҳудуд учунги-на хос эмас. Бундай ўзгаришлар барча вило-ятларда, бутун мамлакатимизда юз бераёт-ган таҳсинга лойиқ.

Шулар ҳақида фикр юритар эканман, “Миллат Шавкати” мақоласидаги бир нукта-га алоҳида эътибор қаратишни истардим.

Рақамли технологиялар

Сунъий интеллект, катта ҳажмли маълумотлар (Big Data) ва бошқа илғор технологиялар ривожланиш ва рақобатбардошлиқни таъминловчи муҳим мезон эканлиги бугун бот-бот таъкидланаяпти. Айниқса, сунъий интеллектнинг таълим тизимига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларини тубдан қайта қўриб чиқишни таъқозо этмоқда. Чунки у нафақат маълумотларни қайта ишлаш, балки ўқув жараёнини шахсийлаштириш, ўқувчи ва талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларга мос таълим траекториясини шакллантириш имконини беради. Колаверса, рақамли саводхонлик, сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бугун ҳар қачонгидан муҳим.

— Аслида, сунъий интеллект янги тушун-ча эмас, — дейди “UNICON.UZ” фан-тех-ника ва маркетинг тадқиқотлари маркази қошидаги Янги рақамли технологияларини ўқитиш маркази бошлиғи Сайдиахрол Сай-диакбаров. — У шу пайтгача ҳам бор эди. Фақат ChatGPT кенг жамоатчиликка тақдим этилганидан сўнг кўп нарса ўзгарди. Гап тех-нологиянинг ихтиро қилинишида эмас, бал-ки унинг демократлашуви, яъни ҳамма учун очиқ бўлиши ва эркин фойдаланиш имкони-ятини беришида.

Таълим тизими сунъий интеллектга тў-лиқ тайёр деб айта олмайман. Хали ҳам интернет етиб бормаган ва компьютерга эҳтиёжи бор мактаблар мавжуд. Колаверса, ўқитувчиларнинг рақамли саводхонлиги ҳам етарли эмас. Шу боис, тизимда СИДан фойдаланиш ҳақида тўлиқ гапирилгача ҳали эрта. Чунки ундан шошилиб, ўйламасдан фойдаланиш яхши оқибатларга олиб кел-майди. Сунъий интеллект таълим жараё-нида ўқитувчи ва талабанинг интеллектуал фаолиятини алмаштирувчи восита эмас, балки таҳлил, изланиш ва ўқув фаолияти-ни қўллаб-қувватловчи ёрдамчи техноло-гия сифатида қўлланилиши мақсадга му-вофиқ. Шу боис, ундан самарали ва тўлиқ фойдаланиш учун аниқ мақсадли, асослан-ган стратегияси ҳамда методик ёндашуви ишлаб чиқишига олиб келади.

Бугунги кунда ўқувчилар уй вазифасини ChatGPT орқали ечаётган, талабалар курс ёки диплом ишини сунъий интеллект плат-формаларида ёздирётган ҳолатларни инкор эта олмаймиз. Бундай ёндашув ёшларда мус-тақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва муаммони ечиш кўникмалари етарли ривожланмасли-гига сабаб бўлади. Ва албатта, билимнинг юзаки ўзлаштирилиши ва таълим сифати тушиб кетишига олиб келади.

Бу вазиятда сунъий интеллектни бошқа-риш ёки шу кўринишда қолдириш керакми деган савол юзгага келиши табиий. Бир эслаб кўринг, калькулятор пайдо бўлганда одам-ларда болалар ҳисоблашни унутиб қўйса керак деган ҳадик бўлган. Лекин мактаблар-да математика ўқитилишда давом этди, фан сифатида ривожланди. Ваҳоланки, фақат-гина ёндашув ўзгарди, оддий ҳисоблашдан муаммони тушуниш, манتيқ томонга қадам



ТАЪЛИМДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ



ЎҚИТУВЧИ ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИМИ?

жараёнлар сунъий интеллект ёрдамида қисқа вақт ичидa амалга оширилиши мумкин. Илгари бундай ишлар ўқитувчилдан қўшимча вақт ва меҳнат талаб қилар, улар кўпинча дарсдан ташқари вақтда ёки ёрдамчилар иштирокида бажарилир эди. Бугунги кунда эса тест топши-риқларини текшириш, ўқувчиларнинг савол-ларига дастлабки жавобларни шакллантириш ва бошқа мунтазам тақоррланувчи вазифа-ларни сунъий интеллект зиммасига юклаш имконияти мавжуд. Бу эса ўқитувчига кўпроқ

вақтнинг таълим жараёнининг ижодий ва педа-гогик жиҳатларига, хусусан, дарс мазмунини такомиллаштириш, ўқувчилар билан индив-дуал ишлаш ва уларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналти-риш имконини беради.

Мутахассиснинг фикрича, СИ ҳеч қачон педагог ўрнини боса олмайди. Чунки ўқи-тувчи фақат билим берувчи эмас, тарбиялов-чи ҳамдир. Педагог бола дарсда чарчагани, уйда муаммоси борлиги, кўзидagi қизиқиш ёки кўркувни илгaйди ва унга алоҳида ёнда-шади. Бу инсонга хос омил. Сунъий интел-лект бу нарсани тушунамайди.

Лекин у ўқувчи учун индивидуал таълим траекториясини қисман ярата олади. Чунки анъанавий синфда барча бир хил даражада ўқийди, дея олмаймиз. Ҳамамага бир хил ёнда-шувини қўллаб бўлмайди. Кимдир матема-тикани яхши ўзлаштиради, лекин география-дан ортда қолади. Яна кимдир геометрияни секин тушунади. Адаптив тизимларда ҳар бир боланинг қаерда қийналаётганини аниқлаб, дарсини унга мослаш мумкин. Масал-лан, бола квадрат тенгламаларни доим ҳато бажараётган бўлса, тизим орқага қайтиб, унинг илдинини, яъни қаерда қийналаётга-нини аниқлаштиради ва бўшлиқни топади, ўша жойдан тузатишларни амалга оширади.

Шу билан бирга, плагиат, яъни кўчирма-чиликка ўхшаган жиддий хавфлар бор. Бу

мустақил фикрлашни сўндириши табиий. Тайёр маълумотларни олишга ўрганиб қо-лиш билимни саёзлаштиради. Бошқанинг муаллифлик ишига даҳл қилиш академик ҳа-лолликка путур етказади. Сунъий интеллект-дан фойдаланиш этикаси бор. У ҳозир ёлгон гапирлишда жуда ҳам уста бўлиб кетган. Хато қилмаслик учун ундаги маълумотларни тек-шириб олиш, муаллифлик ҳуқуқини ёддан чиқармаслик зарур.

Ошкоралик маданиятини шакллантириш керак. Академик ҳалолликка риоя қилган ҳолда сунъий интеллектдан фойдаланиш иш ва ўқишда самарали бўлиши мумкин. Бу-нинг учун эса уни ёрдамчи восита сифатида ишлатиш, фойдаланувчи ўз фикри ва меҳна-тини унинг ўрнига алмаштирмаслик керак.

Сунъий интеллект туфайли янги касблар пайдо бўлади ва таълим тизими бу ўзгариш-ларга тайёр туриши керак. Мисол учун, дарс-ликлар борган сари жонли, интерактив бў-либ боради. Баҳолаш, имтиҳон жараёнлари камералар орқали тўлиқ назорат қилинади. Ўқитувчилар билим манабидан йўлбошич, тарбиячи, мураббийга айланади. Сунъий ин-теллект билан ишлаш муҳандиси каби янги касблар янада оммалашади. Чет эл универси-тетларида бўлгани каби таълим маълумотла-ри таҳлилчиси деган тушунча кириб келади. Ўқувчилар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, қарор чиқариш учун ёрдам берадиган

касб бўлади. Сунъий интеллект этикаси бў-йича мутахассисга эҳтиёж сезилади. Инсон билан машина ўртасида ўзаро мослаштирув-чи техноло-гия касби пайдо бўлади.

Сунъий интеллектни қўллаш масаласи-да Ўзбекистонда имкониятлар катта. Мам-лакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшлар технологияни тез ўзлаштиради. Бу — катта устунилик.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожига катта эътибор қаратиляпти. Давлат хизматлари рақамлаштирилди, фуқаролар-га онлайн хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда. Дастурчилар, стартаплар ва АТ компаниялар учун қулай шарт-шароит-лар яратилмоқда, технологик парклар ва инновацион марказлар фаолияти ривожлан-тирилмоқда. Мактаблар, коллежлар ва олий таълим муассасаларида ахборот техноло-гиялари ва дастурлаш бўйича таълим кенгайти-риляпти. Онлайн таълим платформаларидан фойдаланиш ортиб бораётганини кўриш мумкин. Булар яхши, албатта. Аммо муаммо-лар ҳам йўқ эмас. Энг катта муаммо ўзбек тилида маълумотлар қамлиги, яъни сифат-ли рақамли контентларни сунъий интеллект моделларида ўқитиш ҳали етарли даражада эмас. Қўллаб маълумотлар инглиз тилида. Ўқитувчиларнинг рақамли малакаси ривож-ланган мамлакатлар педагогларни малакаси билан солиштирганда анча суст. Маълумот-ларнинг хавфсизлиги ва болалар ўзларининг шахсий маълумотини ҳимоя қилиш масала-си ҳам эътиборталаб мавзу. Бу бизнинг заиф нуқтамиз. Ижтимоий тармоқларда қолди-рилган очиқ маълумотлар хавфсизлигига ҳеч қан қафолат бера олмайди.

Умуман олганда, сунъий интеллектнинг келажакдаги ривожланиш салоҳияти жуда катта. Ҳозирги кунда замонавий компания-лар сунъий интеллектга мослашган мобил қурилмалар — телефонлар, қулоқчинлар, ҳатто кўзойнақларни сотувга чиқармоқда. Бу маҳсулотларни Ўзбекистон бозорига ҳам учратиш мумкин. “Ақли” кўзойнақлар ёр-дамида бошқа тилда сўзлашувчилар билан бемалол мулоқот қилса бўлади, чунки улар реал вақт режимида таржимон вазифасини бажаради. Бундай имконият фойдаланувчи-ларга маъқул келмоқда.

Сунъий интеллект умумий интеллект да-ражасига ега оладим деган савол туғилиши мумкин. Мутахассиснинг айтишича, ҳозир етакчи компаниялар корпоратив ва умумий интеллект хизматларини ҳам тақдир қил-моқда. Уларнинг мақсади бир гуруҳ одам ягона платформадан фойдаланиб, бутун бир жамоанинг ишини бажара оладиган тизим яратиш. Агар бу ғоя муваффақиятли амалга оширилса, сунъий интеллект умумий интел-лект даражасига етиши мумкин. Буни эса вақт кўрсатади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ДИПЛОМАТИЯ

Мамлакатимиз мезбонлик қилган “Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” мавзусидаги Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми ниҳоясига етди. Кейинги йилларда юртимизда бу каби маърифий тадбирлар тез-тез ўтказила бошланди. Агар тарих тақвимига назар ташласак, бир-биридан мазмунан фарқ қилса-да, ягона стратегик мантиққа бўйсунадиган халқаро тадбирлар занжирига гувоҳ бўламиз.

2020 йил 3-5 март. Самарқандда қарийб йигирма мамлакат уламо ва исломшунослари иштирокида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридий таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда мотуридийлик таълимотининг бугунги талқинларга қарши илмий аҳамияти муҳокама қилинди.

2022 йил 16-20 май. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумига мезбонлик қилди. Турли дин вакиллари, ҳуқуқшунос ва экспертлар қатнашган ушбу мулоқот БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тан олинган Бухоро декларацияси қабул қилиниши билан якунланди.

2024 йил 23-26 август. Тошкент ва Самарқандда “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” мавзусидаги VIII халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда ўттиз бешдан ортиқ давлатдан уч юзга яқин олим, музей ва кутубхона раҳбари қатнашди. “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумининг янги жилдлари тақдим этилди, Ислом цивилизацияси марказининг илмий дастурлари муҳокама қилинди.

2024 йил 15-16 октябрь. Тошкент ва Хивада “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурган ташаббус асосида ўтказилган анжуман исломни зўравонлик билан тенглаштирувчи қарашларга қарши нуфузли улаомларнинг умумий маърифий позициясини намоён қилди.

2025 йил 10-13 сентябрь. Тошкент ва Самарқандда ўтган “Декларациялар мулоқоти” II халқаро форуми эътиқод эркинлиги, диний озчилик ҳуқуқи, конфессиялараро тотувлик ва ислом маърифатининг экстремизмга қарши салохиятини халқаро мулоқот мавзусига айлантирди.

2025 йил 13-15 ноябрь. Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида минтақавий бirlиқ ва умумий тараққиёт ғояларини илгари сурган “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажак” мавзусидаги биринчи халқаро конгресс бўлиб ўтди.

Нихоят, 2026 йил 7-11 июлда Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида қўлғамалар ва музейлар, замонавий таълим, ёшлар тарбияси, динлараро мулоқот, бағрикенглик ва глобал хавфсизлик масалаларини муҳокама қилган Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми ўтказилди.

Анжуманларни бирлаштирган сиёсий мантиқ

Нега Ўзбекистон халқаро мулоқот учун айнан тарихий мерос, дин, илм ва бағрикенглик мавзуларини таялмоқда? Негиз Тошкент билан бирга Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари ҳам глобал мулоқот манзиллари айлантирилмоқда?

Юқорида санаб ўтилган анжуманларнинг барчасини бир хил тадбир деб баҳолаш илмий жиҳатдан нотўғри. Уларнинг айримлари исломий ақида ва манбашуносликка, бошқалари динлараро мулоқот ва эътиқод эркинлигига, яна бир қисми маданий мерос ва музейшуносликка бағишланган. Аммо сиёсатшунослик талқинида улар учта умумий вазифани бажарётган ягона тизимнинг бўғинларидир, дейиш ҳам мумкин.

Бу бўғинларнинг асосий мақсади эса тарихий хотирани илмий асосда қайта тиклаш,

халқаро ишонч майдонини яратиш ва маърифий ғояларни глобал меъёрларга айлантиришдан иборат. Бу ҳодиса тарихий-диний мероснинг илм, ахлоқ, инсонпарварлик ва бағрикенгликка оид мазмунини ҳолис тадқиқот, очиқ мулоқот ва халқаро ҳамкорлик орқали замонавий тараққиётга хизмат қиладиган диний-маърифий дипломатия деб аталади.

Сиёсатшуносликда халқаро ташаббуснинг қиймати халқаро кун тартибига янги ғоя олиб чиқдимиз, ғояни амалга оширадиган институтларни вужудга келтирдимиз, бошқа давлат ҳамда ташкилотларни умумий мақсад атрофида бирлаштира олдимиз деган уч мезон билан аниқланди.

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги таърибаси эса ушбу уч мезонга ҳам тўла-тўқис жавоб беради. Мамлакатимиз мазкур тадбирлар воситасида ислом цивилизацияси ва динлараро бағрикенглик ҳақидаги баҳсларнинг мазмунини ва йўналишини белгилаб бераётган ташаббускор давлатга айланмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз эса алоҳида тарихий манзиллар сифатида эмас, ягона цивилизацияон маконнинг ўзаро боғлиқ нуқталари тарзида жаҳон аҳлига тарғиб этилмоқда. Бу ёндашув миллий хотирани парча-парча лавҳалардан яхлит тарихий тафаккурга айлантиради.

Диний-маърифий жиҳатдан эса яна бир муҳим чегарани белгилайди. Дин ҳақидаги ҳолис сўзни жамиятни ўз манфаатларига бўйсундириш учун одамларнинг онги, ҳис-туйғулари ва фикрларини яширинча бошқарадиган шахс, гуруҳ ёки сиёсий кучлар, тасодифий тарғиботчи ёки ижтимоий тармоқ алгоритми эмас, манба билан ишлайдиган олим, масъулиятни теран ҳис қилган уламо ёки очиқ илмий мулоқотдаги олим айтиши керак.

Ғоядан институтгача

Форумни Президентимизнинг диний-маърифий соҳадаги ташаббусларидан айро ҳолда таҳлил қилиш мумкин эмас. Чунки мазкур ҳодисанинг бошланиши, институционал замини ва халқаро миқёси айнан давлатимиз раҳбарининг изчил сиёсий иродаси билан боғлиқ.

2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Президентимиз ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини жаҳон жамоатчилигига аниқлаштириш мақсадини тушунириб, “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. 2018 йил 12 декабрда мазкур резолюция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан овоз беришсиз қабул қилинди.

Аслида, бу воқеа дипломатия муваффақиятдан кўра каттароқ ҳодиса. Халқаро муносабатлар назариясида давлатнинг янги ғояни тақлиф этиб, уни умумэтироф этилган меъёрга айлантириши меъёр ижодкорлиги деб аталади. Ўзбекистон экстремизмга қарши кураш масаласини фақат куч ишлатиш, жазолаш ва таъқиб доирасида эмас, таълим олиш ҳуқуқи, диний эркинлик, бағрикенглик, инсон ҳақри ва жаҳолатни бартараф этиш билан боғлиқ комплекс муаммо сифатида халқаро кун тартибига олиб чиқди.

Шундай қилиб, БМТ минбаридаги ғоя халқаро резолюция, миллий институтлар, илмий инфратузилма, халқаро форум ва глобал дастурларни қамраган изчил сиёсий занжирга айланди.

Маърифатли жамиятнинг боқийлиги ҳам шунда: у ўз тарихий меросини билим, масъулият ва маънавий жасорат манбаига айлантира олади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Мулоҳаза

Президентимизнинг бош роли нимада?

Давлатимиз раҳбарининг бундай улкан ҳодисадаги ролини ҳолис баҳолаш учун сиёсий натижаларини кўрсатишнинг ўзи етарли.

Биринчидан, Шавкат Мирзиёев мазкур сиёсатнинг ғоявий ташаббускори. Президентимиз илгари сураётган “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг асосий тамойиллари БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясида халқаро даражадаги сиёсий-ҳуқуқий ифодасини топди. Бу ёндашув терроризм ва экстремизмнинг оқибатларига эмас, уларни озиклантирадиган барча омиларга қарши курашишни назарда тутди.



Иккинчидан, Президентимиз диний-маърифий дипломатия институтининг бунёдкори сифатида ўртага чиқди. Унинг ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази ва бошқа илмий маъсасалар ташкил этилиши, тарихий мажмуалар қайта тикланиши, қўлғамалар ва илмий мактабларга эътибор янгича интеллектуал инфратузилмани шакллантирди.

Учинчидан, давлатимиз раҳбари халқаро коалицияни бирлаштирувчи сиёсий марказ вазифасини бажармоқда. Форумга ICESCO, Ислом олами уюшмаси, турли давлатларнинг нуфузли улаомлари, университетлар, музейлар ва тадқиқот марказлари жалб қилиниши Ўзбекистоннинг “умуминсоний меросни биргаликда ўрганиш” деган очиқ позицияга ўтганини кўрсатади.

Тўртинчидан, Президентимиз тарихий меросини миллий ўзлик ва замонавий тараққиётни боғлайдиган сиёсий ресурс сифатида кўрмоқда. Бу ерда ўтмишдан келажак учун сабоқ олиш ғояси бор. Имом Бухорий мероси манба ва ҳақиқат олдидаги масъулиятни, Имом Мотуридий мактаби ақл ва эътиқод мувозанатини, Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино анъаналари илмининг умуминсоний табиятини аниқлатади. Улар бугунги ёшларга фақат фахр эмас, фикрлаш мезонини ҳам беради.

Тарихий мерос ҳеч қачон тараққиёт омилига ўз-ўзидан айланмайди. Бунинг учун қўлғамалар илмий муомалага, алломулар хотираси замонавий тадқиқот мактабига, зиёратгоҳлар маърифий ва иқтисодий инфратузилмага, тарихий хотира эса ёш авлоднинг танқидий тафаккури ва маънавий иммунитетига айланиши керак. Аслида Президентимиз сиёсатининг

бошқалардан улкан фарқ қиладиган жиҳати ҳам шунда: меросни шунчаки асраш билан чекланмасдан, уни таълим, илм-фан, халқаро ҳамкорлик, туризм, наشريёт, рақамлаштириш ва жамоат хавфсизлиги билан боғланган амалий тараққиёт ресурсига айлантираётганида.

Фақат биз шундай фикрлаётганимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари 2017 йили БМТ минбаридан илгари сурган ташаббус эътироф этилиб, мазкур қараш Ислом цивилизацияси маркази ва тадбир орқали амалий ифода топгани форум декларациясида ҳам алоҳида қайд этилди. ICESCO бош директори, доктор Салим Мухаммад ал-Малик Президентимиз Ўзбекистонни ислом цивилизациясининг глобал маркази, билим ва цивилизация ташаббуслар майдонига айлантирганини таъкидлади.

ифодаловчи таҳлилий тушунчадир. Унинг дипломатик механизми динни геосиёсий рақобат воситасига айлантиришга эмас, балки диний мероснинг тинчлик, илм, ахлоқ ва бағрикенгликка оид моҳиятини ишончли манбалар билан мустаҳкамлаб, халқаро дўстликни ривожлантиришга хизмат қиладди.

Анъанавий дипломатия кўпинча манфаатлар мувозанати, музокара ва битимлар тилида сўзлайди. Маданий дипломатия санъат, адабиёт ва тарих орқали мамлакат ҳақида илмий тасаввур уйғотади. Диний-маърифий дипломатия эса янада нозик омилга — инсоннинг эътиқоди, у муқаддас деб билган қадриятлар ва тарихий хотирасига таянади.

Ўзбекистоннинг таҳлиллар туфайли кўзга ташланаётган бу янги модели исломни зўравонлик билан тенглаштирувчи таъқиқ стереотипларга илмий далил билан жавоб бериши, бугунги талқинларга қарши маърифий майдон яратиши, турли дин ва маданият вакиллари инсон қадри, билим, виждон эркинлиги, тинчлик ва масъулият атрофида бирлаштириши мумкин.

Қолаверса, бу модел хавфсизлик билан инсонпарварликни бир-бирига асло қарши қўймайди. Радикаллашувга қарши курашга оила, мактаб, университет, маҳалла, диний муассаса, музей, кутубхона ва медиа иштирок этадиган кенг ижтимоий жараён сифатида қарайди. Тайёр қарашларни мажбуран сингдиришга эмас, балки манбаларни биргаликда ўрганиб, умумий ечим топишга ундайди. Айнан мана шу қараш ушбу форумни шунчаки номига ўтказилмаган тадбирлардан ажратиб туради.

Ўзбекистоннинг бу вазифани ўз зиммасига олиши тарихий мантиққа ҳам эга. Азълдан бу заминда исломий илмлар, аниқ фанлар ва фалсафа бир-бирини инкор этмаган. Бугун ушбу таърибларни романтик ўтмиш эмас, замонавий билим ва мулоқот институти сифатида қайта ишлаш мумкин. Шунда Ўзбекистоннинг диний-маърифий дипломатияси дунёнинг бугунги муаммоларига ҳолис ечим тақлиф этадиган омилга айланади.

Миллий манфаат қарда қўрилади?

Энг аввало маънавий суверенитетда, албатта. Маънавий суверенитет халқнинг ўз тарихи, дини ва қадриятларини бошқаларнинг сиёсий манфаатига мослаб берилган талқинлар орқали эмас, ишончли илмий манбалар асосида аниқлаш қобилиятидир. Миллий меросини ўзи тадқиқ этмаган жамият унинг маъносини беғоналардан қабул қиладди. Бу ҳолда маънавий суверенитет ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Ёшларнинг маънавий ва интеллектуал хавфсизлиги масаласини ҳам унутмаслик лозим. Радикаллашув диний билимсизлик, ижтимоий адолатсизлик, ёлғизлик ҳисси юқори муҳитда тез ривожланади. У ёшларга жуда содда жавоб, сохта қаҳрамонлик ва тайёр “душман” тақлиф қиладди. Маърифат эса ёшларни фақат радикал ғоядан қайтармайди, уларга савол бериш, манбани текшириш, турли қарашларга тоқатлилик ва оқибатни ўйлаш қобилиятини ҳам туҳфа этади.

Экстремистик мафкура жамиятда бирдан портламайди, у аввал одамларнинг бир-бирига нисбатан ишончини поймол қиладди, диндор ва динсиз, турли конфессия ва миллатлар, турли авлодлар ва ижтимоий қатламлар ўртасида “баланд девор қуради”. Унга қарши диний-маърифий дипломатия шакллантирадиган ижтимоий ишонч ва миллий бirlиқ омили самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида саналганлардан ташқари, яна бир муҳим жиҳат Ўзбекистоннинг халқаро



Ҳабибулло САДИБАҚОСЕВ,
Ўзбекистон халқаро
исломшунослик академияси
биринчи проректори, сиёсий
фанлар доктори, профессор в.б.

мавқеи масаласидир. Миллий-тарихий илмий меросни очиқ тарзда жаҳон аҳлига тақдим этиш мамлакатни фақат тарихий обидалар юртига эмас, глобал муаммоларга маърифий ечим тақлиф этаётган интеллектуал давлатга айлантиради. Аслида, бу “юмшоқ куч”нинг ишонч ва билимга асосланган шаклидир. У илмий шериклик, таълим алмашинуви, зиёрат туризми, музей ва наشريёт лойиҳалари, янги тадқиқот ва иш ўринлари учун имкониёт очади. Халққа ўтмиш билан фахрланишнинг яна эмас, ўтмиш олдида масъулият ҳиссини ҳам беради.

Геомаънавий таҳдидга маърифий жавоб

Геомаънавий таҳдид муайян ҳудуддаги дин, маданият, таълим ва ахборотдан фойдаланиб, жамият қадриятлари, миллий ўзлиги ва ички ишончини муайян сиёсий мақсадга бўйсундиришга қаратилган трансмиллий таъсир бўлиб, диний-маърифий дипломатия бу таҳдидга муносив жавобдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари воситасида жаҳон аҳлига йўллаётган мундарижа намоён бўлади. Уни бир жумлага жамлаб, бундай баён этиш мумкин: агар маърифат тарафдорлари бирлашса, асосий қадриятларда ҳамфикр бўлса ва фитналардан бир-бирини ўз вақтида огоҳлантиришдан эринмаса, ҳеч бир радикал ғоя ёки экстремистик қараш бизни осонликча маҳв эта олмайди. Бу Президентимизнинг БМТдаги эзгу ташаббуси, “Жаҳолатга қарши маърифат” концепцияси, ташкил этган илмий муассасалар, форумлар олдида қўйган мақсади ва Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми декларациясидан чиққан сиёсий ҳулоса.

Форумнинг энг катта натижаси Ўзбекистонни замонавий тараққиёт ва глобал мулоқотга очиқ давлат сифатида намоён этгандир. Бу ҳодисада давлатимиз раҳбарининг бош роли ғояни халқаро минбарга олиб чиққани, уни институтлар билан мустаҳкамлагани ва жаҳондаги қўллаб-қамқорларни умумий мақсад атрофида бирлаштира олганида кўринадди.

Бу сиёсат ҳалқимизга ўзлигини ишончли манбалар асосида аниқлаш, аждодлар меросини бугунги ҳаёт билан боғлаш, ёшларни ёт ва бузғунчи талқинлардан асраш имконини беради. Ватан учун у маънавий суверенитет, жамият барқарорлиги ва халқаро нуфуз манбалар. Жаҳон илм аҳли учун янги манбалар, тадқиқотлар ва тенг шериклик учун очилган имкон эшигидир.

Маърифатли жамиятнинг боқийлиги ҳам шунда: у ўз тарихий меросини билим, масъулият ва маънавий жасорат манбаига айлантира олади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета тахририят комплекси марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-746.

29609 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. **Ўқсет** усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 21:03 Тошхирлид — 23:25

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълоилар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишлонч телефони:
(71) 233-56-60



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

